

насара абдаҳу ва ҳазамал аҳзаба ваҳдаҳу», дер эдилар».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Унинг Ўзи ёлғиздир, шериги йўқдир. Мулк Униқидир. Ҳамд Униқидир. У ҳар бир нарсага қодирдир. Роббимизга қайтувчимиз, тавба қилувчимиз, ибодат қилувчимиз, сажда қилувчимиз, ҳамд айтувчимиз. Аллоҳ ваъдасига содиқ қолди. Бандасига нусрат берди. Гуруҳларни ёлғиз Ўзи енгди».

Бу ривоятда сафарда юрганда, бирор довон ёки қир ошаётганда ўқиладиган дуо зикр қилинган. Бунга ҳам амал килишга одатланишимиз керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.